# Нонни қарзга бериш

05:56 / 01.08.2018    4324

**Савол:**

Ассалому алайкум! Буханка нонни бир одам бошқа одамдан қарзга олиб туриб, кейин қайтаришининг ҳукми қандай? (Буханка нон қолибларда пишади, буханка бошқа буханкадан вазн жиҳатдан озгина бир неча граммга фарқланиши мумкин, қарзга буханкани берувчи ва буханкани қарзга олувчи бу фарққа рози бўлсалар).

**Жавоб:**

**"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:**

Ва алайкум ассалом!

Фарқига рози бўлишларининг эътибори йўқ. чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламкилоли ва вазнли нарсаларини бир жинсдагини бир бирига сотилганида ортиқчаси рибо деганлар. Шу ҳадисга асосан бу борада икки томоннинг розилигининг эътибори йўқ. Кўрмайсизми зино қилганлар ҳам рози бўлиб, балки қайсидир маънода роҳатланиб рози бўлишади. Бу билан уларнинг иши ҳалол бўлиб қолмайди. Валлоҳу аълам!